

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1911-ҳадис

1911/5680 - عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: «الشَّفَاءُ فِي ثَلَاثَةِ شَرْبَةٍ عَسَلٌ، وَشَرْطَةٌ مُحْجَمٌ، كَيْتَةٌ نَارٌ، وَأَنْهَى أُمَّتِي عَنِ الْكَيْ». 1911.5680. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У: «Шифо уч нарсада: асал ичишда, қортиқ солишда ва ўтнинг куидиришидадир. Мен умматимни куидиришдан қайтараман» деб, ҳадисни марфуъ қилди.

Қуммий Лайсдан, у Мужоҳиддан, у Ибн Аббосдан, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Асал ва қон олишда», деб шуни ривоят қилган.

Изоҳ: «Ҳадисни марфуъ қилди» дегани уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берди, деганидир.

Ҳадисда ўша пайтдаги кенг ёйилган даволаш усулларидан учтаси зикр қилинган. Аммо бундан «Бошқа нарсада шифо йўқ экан», деган тушунча келиб чиқмайди. Фақат буларнинг фойдаси кўп бўлгани учун алоҳида эслатилган.

Манба: hadis.islom.uz



